

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. Азимов Х. Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) 3
2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи 19
3. Муратов А. Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
4. Fayzullo F. Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) 39

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. Кочкарова Э. Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае 59
2. Алимджанов Б. (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка 71

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи 97

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

Абдуллаева М. Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили 154

ЯНГИ НАШРЛАР

1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси 176

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

С.Муҳаммадаминов. Таҳрир ҳайъати А.Маннонов, Б.Абдуҳалимов, Н.Муҳамедов, С.Каримова. Тошкент, 2015.
6. Рахимджанов Д.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд” асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба / Тар. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 2003.
7. Уватов У. Самарқанд уламолари // Уватов У. Донолардан сабоқлар. Тошкент, 1994. Б. 62-65.
8. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur: Vol. 2. Weimar-Berlin, 1898–1902.
9. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Supplementbände: Vol. 3. Leiden, 1937–1942.
10. Cureton W. Pillar of Creed of the Sunnites. London. 1843.
11. Kavakcı, Yusuf Ziya. XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Māvāra’ al-Nahr Islâm Hukukçuları. Ankara, 1976.
12. Wensinck A.J. Al-Nasafī. III. Extract from the Encyclopaedia of Islam CD-ROM Edition v.1.0.

О. Бўриев

Истахрий “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси

Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” (Хуросон ва Мовароуннаҳр) / Араб тилидан таржима, тадқиқот, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи: Р.Т.Худайберганов. Тошкент, ЎзР ФА “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2019 й. –480 бет.

Ўтмишда араб, форс ва туркий тилларда ёзилган ҳамда бизнинг давримизгача етиб келган ёзма ёдгорликларни ўрганиш, илмий муомалага киритиш масаласи ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Ундаги илм-фан ривожида географик билимларнинг ҳам ўз ўрни бор. IX асрда Марказий Осиё олимларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда

фаолият олиб бориб, ўзининг “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати китоби”) номли асари билан мусулмон Шарқ географиясига асос солди, математик география ривожига катта ҳисса қўшди.

Абу Зайд ибн Саҳл Балхий (850–934) “Сувар ал-ақолим” (“Иқлимлар суратлари”) асарида тавсифий география йўналишида ижод этган, айни пайтда математик география соҳасидан хариталарни ҳам ўз асарига илова қилган ва дунёнинг қуш шаклидаги харитасини ҳам чизган. Балхийнинг асари бизгача етиб келмаган, лекин Истахрий, сўнгра Ибн Ҳавқал ундан фойдаланиб, географияга оид асарлар ёздилар. Учала олимнинг географик мероси Европа илмий адабиётларида “Ислом атласи” номини олган. Унинг асосини “Ал-масалик ва-л-мамалик” (“Йўллар ва мамлакатлар”) мавзуси бўйича араб тилида ёзилган тавсифий географик асарлар таркибидаги хариталар ташкил қилади. Ислом атласида 21 та харита бўлиб, улар қуйидаги тартибда жойлаштирилган: дунёнинг доиравий харитаси, Арабистон, Форс денгизи, Мағриб, Миср, Шом, Рум денгизи, ал-Жазира, Ироқ, Хузистон, Форс, Кирмон, Синд, Арманистон (Аррон ва Озарбайжон билан бирга), Жибол, Гилон (Табаристон билан бирга), Хазар денгизи, Форс чўли, Сижистон, Хуросон, Мовароуннаҳр. Кўриниб турибдики, Ислом атласидан ўша пайтдаги ислом мамлакатларининг хариталари ўрин олган ва уларни “Иқлимлар” ҳам дейишган, улар дунёнинг сиёсий-маъмурий картасини эслатади.

Ислом атласидаги хариталарни Абу Зайд Балхий асаридан эронлик сайёҳ географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрий (ваф. 904 дан кейин) зарур ўзгаришлар қилиб ўзининг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” (“Йўллар ва ўлкалар китоби”) асарига киритди. Ундан сўнг араб сайёҳ географ олими Абулқосим ибн Ҳавқал (X) саёҳатлари давомида қўлга киритган маълумотлар асосида Истахрий асарини янгилади ва шу асосда “Китаб ал-масалик ва-л-мамалик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) асарини яратди. Маълум бўладики, мусулмон Шарқ мамлакатларида тавсифий география йўналишининг ривожида юқоридаги учта сайёҳ олимнинг “Китаб ал-масалик ва-л-мамалик” услубида ёзилган асарлари ягона занжирни ташкил қилади ва улар фанда илм аҳли томонидан ўрганилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда биргина Истахрий қаламига мансуб “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг нашрлари ҳамда бошқа тилларга таржималари анчагина. Уларнинг қадимгиси 1839 йили асарнинг Гота нусхаси факсимилесининг лотинча муқаддима билан Й.Мюллер (XIX) томонидан нашр этилгани бўлса, 1870 йили голландиялик арабшунос Де Гуе (1836–1909) асарнинг танқидий матнини чоп эттирган. Мазкур нашр “Араб географлари кутубхонаси” (BGA) сериясида нашр бўлган ўрта асрлар араб тилидаги географик манбалар мажмуасидан ўрин олганлиги билан аҳамиятли саналади.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходими Равшан Худойберганов Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истахрийнинг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асаридан Хуросон ва Мовароуннаҳр қисмини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, унга тадқиқот, изоҳ ва кўрсаткичлар илова қилган ҳолда чоп этгани юқорида таъкидлаб ўтилган долзарбликдан келиб чиққан. Дарвоқе, муаллиф 2020 йилда шу асосда докторлик (PhD) диссертациясини ҳам муваффақиятли ёқлади. Чоп бўлган янги нашрда асар мазмунининг ўзбекчага таржимасида Истахрий ҳаёти, сафарлари, илмий мероси, “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг мазмуни, қўлёзмалари, «Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва «Китаб ал-ақалим» асарлари қиёсий таҳлили, асарнинг форс ва ўзбек тилларига таржималарининг матншунослик аспектлари, топонимлар таҳлили, турли кўрсаткичларни ўз ичига олиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу нашрда Шарқ ёзма ёдгорликларининг илмий таржимасини амалга ошириш учун зарур асосий талаблар бажарилган. Айниқса, Истахрий “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг тарихшунослиги муфассал баён қилингани ва таржима илмий изоҳлар билан мукаммал таъминланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Китобни қўлига олган ҳар бир китобхон сўзсиз Шарқ ёзма дурдоналари оламига саёҳат қилади, ушбу соҳадаги билимларини бойитади. Бинобарин, Истахрий илмий меросининг ўзбек тилида китобхонларга етиб боргани катта ва илмий жиҳатдан муҳим янгиликдир.